



МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар!
Аввало, сиз, азизларни — журналистлар, телерадио, нашриёт ва матбаа соҳаси вакиллари 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмати, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Сизларнинг бу йилги касб байрамингиз Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида мутлақо янги давр — ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтаётгани чуқур маъно-мазмунга эга, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшилиасиз.

Бу ҳақда гапирганда, ҳаётимизни тубдан ўзгартирган, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилиб, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлимизни англаш, фаровон турмуш ва ёруғ келажакимизни ўз қўлимиз билан қўришдек бекиёс имконияти яратиб берган мустақиллигимизнинг қандай ноёб, олий ва бебаҳо неъмат эканини эл-юртимизнинг онгу тафаккурига сингдиришда, истиқлолимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда миллий матбуотимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини барчамиз яхши биламиз ва сизларнинг бу олиханоб хизматингизни юксак қадрлаймиз.

Бу йилги мустақиллик байрамининг бош гоёси сифатида танланган «Ўзгал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган сўзлар замирида қандай теран маъно муҷассам эканини сиз, азизлар яхши тушунасиз, албатта.

Бугунги кўлуг айёмда Ватан учун жон фидо қилишни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган, миллий матбуотимизга асос солиб, мустабид тузумнинг тазйик ва таъкибларига қарамасдан, «Маслак ва мақсадимиз — халқ манфаатига хизмат этмак» деган эзгу гоё йўлида бутун борлигини бағишлаган маърифатпарвар боболаримизнинг руҳи покларини, соҳа фахрийларининг номларини ҳурмат-эҳтиром билан эсга олишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Барчангизга яхши маълум, мустақиллиқнинг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тугган ролини, уларнинг фаолияти самарасини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг нуфузини кучайтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган сиёсат изчиллик билан олиб борилмоқда.

Давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг ахборот маконидан мутаносиб ривожланиб боришига

алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг тасдиғини охириги йилларда электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртма ва давлат грантлари шаклида 14 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилгани ва бошқа мисолларда яққол кўриш мумкин.

Мухтарам дўстлар! Тез суръатлар билан ўзгариб, олдимизга бири-бирдан ўткир ва долзарб саволларни қўётган ҳозирги мураккаб замонда, жаҳон миқёсида бе-шафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, информацон ҳуружлар тобора кучайиб бораётган таҳликали бир вазиятда халқимиз, айниқса, ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, ростни ёлгондан ажратишга қодир инсонлар этиб тарбиялашда, доимо ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлиб, воқелика дахлдорлик туйғуси билан яшашга даъват этишда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шу нуқтага назардан қараганда, бугунги байрам муносабати билан бўладиган учрашувлар, суҳбат ва мулоқотларда ижодий жамоалар ва умуман, миллий журналистикамиз фаолиятини танқидий сарҳисоб қилиб, янги режалар, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари олдига турган вазифалар ҳақида фикр юритишимиз табиий, албатта.

Шу борада юксак касб маҳорати ва эътиборли журналистлар, таҳлилчи ва шарҳловчиларни, мухтасар айтганда, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган мухтасисларни тайёрлаш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб турибди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айниқса, журналистларимизнинг ҳаётга чуқур кириб бориши, жамиятимизда ижтимоий-сиёсий жараёнларни туб моҳияти ва аҳамияти, керак бўлса, мураккаблиги билан очиб бериш, тараққийтимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил қўтариб чиқиш, мавзуга кўлисона ва ҳаққоний ёндашиш каби меъзо-лар матбуотимизнинг ўзгариш қоида-си ва принциплари бўлиб қолиши даркор.

Бунинг учун аввало замон талабларига жавоб берадиган журналист кадрларни тайёрлаш, тегишли олий ўқув юр-тиларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг савияси ва малакасини ошириш, таълим жараёнига энг ил-гор педагогик ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича амалга ошираётган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур.

Шулар қаторида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг халқаро ахборот майдонига кириб бориши, дунёда ном қозонган нуфузли нашрлар ва медиакомпаниялар билан

самарали ижодий алоқалар ўрнатиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни пухта эгаллаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳақда сўз борар экан, кейинги йилларда соҳа вакилларининг 700 нафарга яқини чет элларда малака ошириб келганини ижобий баҳолаб, биз учун гоёя муҳим аҳамиятга эга бўлган бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарурлигини албатта барчамиз яхши англаймиз.

Бугунги глобаллашув замонида, интернет асрида ахборот учун ҳеч қандай чегара йўқлиги, бу соҳада қандайдир «темир девор» қўриб бўлмаслигини кимгадир тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳо-жати йўқ, деб ўйлайман.

Жаҳон ахборот маконида бундай мислсиз интеграция жараёни бугунги юксак тараққиёт учун бекиёс имкониятлар очиб бераётганини эътироф этган ҳолда, ахборот оқими орқали афсуски, турли бузғунчи гоёлар, «оммавий маданият» қўришларини ҳам ҳаётимизга кириб кел-лаётганини инкор этиб бўлмайди. Улар ёшларимизнинг онги ва руҳиятига салбий таъсир қўр-са-таётгани, маънавий қадриятларимизга, авлодлар ўртасидаги ворисийлик анъаналарига бепасанд қараш каби ҳолатлар ҳам ён-атрофимизда учраб туриши барчамизни ташвишга солмасдан қўймайди.

Шу ўринда бир фикрни яна бир бор таъкидлаб айтишга тўғри келади: маънавиятни асраш — инсонни, аввало ёш авлодимизни, келажакимизни асраш демакдир. Шундай экан, бир қарашда кўзга яққол ташланмайдиган бундай ҳавф-хатарларга қарши курашиш учун ҳаммамиз, аввало, сиз, мухтарам оммавий ахборот воситалари ходимлари фикрга қарши — фикр, гоёя қарши — гоёя, жаҳолатга қарши — маърифатни қурол қилиб, қатъий би-ран иш олиб боришимизни ҳаётнинг ўзи талаб эт-моқда.

Кадрли дўстлар!

Бугун биз 25 йил давомида босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлими-зга назар ташлар эканмиз, «Кеча ким эдигу бугун ким бўлди, эртага қандай янги марраларни эгалла-шимиз керак?» деган, халқимиз қалбида акс садо топган даъват ав-вало доимо ҳаётнинг олдин-ги сафарида бўлишга ин-тилиб яшайдиган сиз, ҳур-матли матбуот аҳлига дахлдор, десам, янглиш-маган бўламан.

Мустақиллик арафасида ва мустақиллиқнинг даст-лабки йилларида юрти-мизда қандай оғир ва таҳ-ликали, озгина учун чиқ-са, бутун республика ло-вуллаб ёниб кетадиган ўта қатъий ва қалтис вазият вужудга келганини эсга олайлик. Йигирма милли-ондан ортқ халқимизни боқ-иш учун омборлари-ми-зда бор-йўғи 22 минг тонна ун захираси қол-ганини, иқтисодий етишмов-чилик ва қийинчиликларни,

бизни турли фитна ва мо-жаролар гирдобига тор-тишга қаратилган қўпору-чилик ҳаракатлари, ёвуз мақсадларни қўзлаган тер-рорчилик ҳуружларини, мухтасар айтганда, халқи-мизни ўз танлаган йўли-дан қайтаришга бўлган қар-азли уринишларни ва бундай машаққатли синов-ларни фақатгина мардлик ва матонат, сабр-бардош ва фидокорона меҳнат би-лан енгиб ўтганимизни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Бошимиздан кечирган мана шундай мураккаб та-рих сабоқларини одамлар-га, аввало ёшларимизга етказиш, уларнинг қў-зини ҳақиқатга очиб бериш барчамизнинг нафақат ва-зифамиз, балки муқаддас бурчимиздир.

Бир сўз билан айтган-да, биз ёш авлодимизни бошлаган буюк ишлари-мизнинг муносиб давом-чилари этиб тарбияламоқ-чи бўлсак, ҳеч шубҳасиз, қандай оғир, шу билан бирга, шарафли йўлни бо-сиб ўтганимиз, дунё ҳам-жамияти тан олаётган юк-сак ютук ва марралари-миз тарихимиз солнома-сида ўчмас из қолдири-ши, халқимизнинг онгу та-факкурида муҳрланиши, миллий гоёмиз, мафкура-миз асосига айланиши шарт.

Бу вазифани биринчи навбатда ким маҳорат би-лан амалга ошира олади? Албатта, халқ манфаати, Ватан тақдирини қалби-дан, юрагидан ўтказиб яшайдиган сиз, ҳурмати-ли журналист аҳлининг дав-ваткор сўзи, ибратли фаолияти бу борада хал қилувчи ўрин тутди, деб ишонаман.

Эртанги кун ҳақида, энг муҳим ва устувор вазифа-ларимиз ҳақида гапирган-да, ҳаммамиз яхши тушу-намизки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб тур-майди, доимо янги-янги муаммо ва талабларни кун тартибига қўйди.

Шу маънода, бугун биз ўз олдимизга қўйган улуг мақсадлар, хусусан, халқимиз ҳаётини янада фал-рон ва обод қилиш, дунёда энг ривожланган, демократик давлатлар қаторига кириш, халқаро майдонда Ўзбекистони-мизнинг обрў-эътиборини юксалтириш бўйича 2030 йилга қадар белгилаб олган дастурларимизни амалга оширишда биз бу-тун халқимиз қатори сиз-ларга, сизларнинг истеъ-дод ва маҳоратингизга таянамиз.

Азиз дўстлар!

Журналист меҳнати-нинг нақадар машаққат-ли ва масъулиятли экани-ни чуқур англаган ин-сон сифатида мен, бу-гунги фурсатдан фойда-ланиб, сизларнинг эзгу орзу-интилиш ва ташаб-бусларингизни доимо қўллаб-қувватлашга тай-ёр эканлигини, сизларни ўзимнинг энг яқин ёр-дамчи ва маслақдошлар-им деб билишимни тақ-роран айтмоқчиман.

Сизларни кўлуг бай-рамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сўхат-саломатлик, бахту саодат, ижодий ютуқлар тайлайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Мухтарам давлат раҳбарлари,
Ҳурматли мажлис иштирок-чилари,

Аввало, делегациялар раҳбар-ларининг ШХТнинг ўтган даврдаги фаолияти асосий яқунлари бўйича билдирган фикрларини қўллаб-қув-ватлайман. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил этилганидан буён ўтган 15 йил давомида ҳақли равишда нуфузли халқаро ташкилотлар қаторидан муносиб жой олди, барқарор та-раққиёт, тинчликни мустаҳкам-лаш, замонавий таҳдид ва ха-тарларга қарши курашиш, мин-такавий ва глобал даражада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашнинг таъсирчан оми-лига айланди.

Ўтган йиллар мобайнида ШХТ-нинг шартномавий-ҳуқуқий базаси-ни шакллантириш бўйича миқё-си-га кўра улкан ишлар амалга оши-рилди, ташкилот таркибига кир-адиган давлатлар ўртасида хар то-монлама тенг ҳуқуқли ҳамкорлик-ни таъминлаш учун мустаҳкам ин-ституционал асос яратилди.

Шу билан бирга, биз бугунги кунда ён-атрофимиздаги дунё на-қадар шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётганини, қарама-қар-шилиқ ва моҳаролар кучайиб, жа-ҳон бозорларида беқарорлик ва ма-вхумлик сақланиб қолаётганини, алоҳида ташвиш уйғотаётган халқ-ро терроризм, экстремизм ва то-бора ёйилиб, тарқалиб бораётган радикализм кўлами хатарли тус олаётганини яхши англаймиз ва тасаввур қиламиз.

Минг афсуски, ҳозирги вақтда вужудга келаётган халқаро вази-ятда ўзаро ишонч ва ҳамкорлик-ни мустаҳкамлаш ўрнига қара-ма-қаршилиқ ва рақобат куча-йиб бормоқда. Бундай ҳолатни кўрмаслик, сезмаслик мумкин эмас.

Биринчидан. Юзага келаётган бундай мураккаб шароитда ШХТ-нинг Хартияси ва бошқа асосий ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган очиклик ва ҳеч қандай блокка қўшилмаслик принциплари қатъий амал қилишимиз ва бундай ёндашувни янада мустаҳ-камлашимиз ўта муҳим аҳамиятга эга. Вужудга келаётган минтака-вий ва халқаро муаммоларни ҳал этишда бундан кейин ҳам мафку-равий ва қарама-қаршилиқ олиб келадиган ёндашувларнинг олди-ни олиш ва уларга барҳам бериш даркор.

Иккинчидан. Ҳиндистон ва Покистонни аъзоликка қабул қилиш жараёнининг бошланишида ўз ифодасини топаётган ШХТга аъзо давлатлар таркибини кенгайтириш бўйича амалга ошираётган йўли-миз, ҳеч шубҳасиз, ШХТ ўз фаоли-тида янги, янада мураккаб босқичга кўтарилаётганидан далолат бера-ди.

Биз барчамиз яхши тушунамиз-ки, айрим давлатларнинг халқаро ва минтакавий тараққиётга доир долзарб масалаларга нисбатан тур-лича, баъзан бир-бирига мутлақо зид ёндашувлари ҳисобга олина-диган бўлса, биринчи навбатда, ташкилот кун тартибидидаги асо-сий масалалар юзасидан қарор-лар қабул қилишда консенсус, яъни, умумий келишувга эри-шиш оғир ва қийин бўлади.

Лекин бу борада юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлар ШХТ Хартияси ва Тартиб-таомил қоида-ларида мустаҳкамлаб қўйилган консенсус принциpidан воз кечи-ши ҳеч қачон англабмаслиги зарур. Амалда ўзини оқлаган бу прин-ципга сўзсиз риоя этиш ташки-лотимиз фаолияти самарадор-лигига салбий таъсир қўр-са-тишга йўл қўймайди, унинг па-роқанда бўлиб кетиши, «манфа-атлар бўйича гуруҳлар» пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган баҳс ва келишмовчилик-ларни бартараф этади.

Учинчидан. Қўшни Афғонис-тондаги вазиятга ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Бу мамлакатда вужудга келаёт-ган ҳарбий-сиёсий вазиятни ўзаро курашаётган томонлар ўртасидаги тўқнашувларнинг аста-секин «ўзи-либ бориши сифатида таърифлаш мумкин, агар аҳвол шу тарзда да-вом этадиган бўлса, бундай бе-қарорлиқнинг қўшни мамлакат-лар ва минтақаларга ҳам ёйи-либ кетишининг жиддий ва реал хавфи мавжуд.

Афғон муаммосини ҳал этиш-дан манфаатдор томонларнинг ак-сарияти бундай вазиятдан чиқи-шини фақат битта йўли борлигини яхши англайди. Яъни, бу йўл ўзаро кураш олиб бораётган асосий томонлар ўртасида тинчлик ўрнатиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафе-лиги остида сиёсий музокара-лар ўтказишдан иборатдир. Ҳуку-мат ва «Толибон» каби ўзаро кура-шаётган кучлар ўртасида музока-ралар жараёнини қайта тиклаш муҳим

аҳамиятга эга. Бу борада томон-лар музокара-лар жараёнини бош-лаш учун олдиндан бирон-бир шарт қўймаслиги даркор.

Ҳеч шубҳасиз, донор давлатлар ва халқаро институтлар Афғонис-тонга бу мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва аҳолининг ҳаёт даражасини яхшилаш, энг муҳими, таълим-тарбия ва маърифат со-ҳасида ёрдам бериш бўйича ўз мажбуриятларини тасдиқлаш зарур.

Ўзбекистон, Афғонистон билан икки томонлама ўзаро ҳамкорлик принциpidа риоя этган ҳолда, ком-муникациялар, жумладан, Афғонис-тонни ташқи дунё билан боғлай-диган Термиз – Мозори Шариф те-мир йўл тармоғини қуришга ўз ҳис-сасини қўшмоқда, Афғонистонга, хусусан, Қобул шаҳрига электр энергияси етказиб беришни таъ-минламоқда.

Мухтарам мажлис қатнаш-чилари,

Ташкилотнинг дастурий мақсад ва вазифаларига эришишнинг энг муҳим шартларидан бири иқтисо-дий ҳамкорлиқни янада кенгайти-риш ва чуқурлаштиришдан иборат-дир. Бизнинг ушбу йўналишдаги умумий вазифамиз барча давлат-ларнинг манфаатларига мос ке-ла-диган, минтақа учун муҳим аҳамиятга эга бўлган иқтисодий ва инфратузилма лойиҳалари-ни амалга ошириш, биринчи нав-батда, транспорт коммуникацияси соҳасида ҳамкорлиқни ривожлан-тиришни кўзда тутди.

Шу муносабат билан Ўзбеки-стон Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин томонидан илгари сурилган «Буюк ипак йўли иқтисодий йўналиши»ни ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди. Мазкур та-шаббусни унга жалб қилинган бар-ча томонларнинг умумий ва ўзаро манфаатлари асосида муваффақият-ли амалга ошириш мумкинлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Мухтарам ҳамкасблар,
Сўзимнинг яқунда бугунги ат-рофчиқа фикр алмашиш ва ҳам-корликдаги самарали ишимиз мам-лакатларимиз ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик ва шериклик муносабатларини янада чуқурлаш-тириш, ўзаро ҳурмат муҳитини мус-таҳкамлаш, амалий ва ишончли му-лоқотни кенгайтириш имконини беради, деб ишонч билдирмоқчи-ман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЭЪТИБОР ВА РАҲБАТ ЯНГИ ИЖОДИЙ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ



ИСТИҚЛОЛ
ИМКОНИАТЛАРИЭЪТИБОР ВА РАВБАТ ЯНГИ
ИЖОДИЙ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимизнинг эзгу орзу-интилишларини ифода этадиган янги байрамлар, қадрият ва анъаналар шаклланди. Уларнинг орасида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни алоҳида ўрин тутди.

Чунки оммавий ахборот воситалари ходимлари — доимо ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб яшайдиган, жонқуяр журналистлар, режиссёр ва операторлар, нашриёт ва матбаа соҳалари фидойилари меҳнатидан барчамиз деярли ҳар куни баҳраманд бўламиз. Телерадио каналлари, газета ва журналлар, интернет тармоғи орқали уларнинг қизиқарли ва ҳаяжонли материаллари билан танишганда қалбимизда бу олиханоб касб эгаларига нисбатан алоҳида меҳр ва миннатдорлик туйғулари пайдо бўлади. 27 июнь санаси ана шу меҳримиз, табриклиримизни билдириш учун имкон берадиган айём сифатида ҳаммамизнинг кўнглимиз, юрагимизга яқин байрамдир.

Бу йилги касб байрамининг Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик шонли санасига тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирган бир пайтда ўтаётгани унга янада чуқур мазмун, файзу тароват бағишламоқда.

Шу йил 27 июнда Ўзбек Миллий академик драма театрида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан бўлиб ўтган байрам анжуманида ҳам бу фикрлар алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ноширлар, матбаачилар, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган меҳнат фахрийлари, олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ўшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат

маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Ҳ.Мирзаёров, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Андижон вилояти бўлими раиси Н.Саидов, «Жаҳон адабиёти» журнали ходими С.Алижонов ва бошқалар миллий матбуот соҳасини изчил, босқичма-босқич ривожлантириш, унинг сифати ва самарадорлиги, таъсирчанлигини ошириш масаласи доим давлатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлиб келаётганини таъкидладилар.

Миллий матбуотимиз вакиллари-нинг мамлакатимизда ва дунёда бўлаётган ўзгариш ва янгиликларни ҳаммамизга тезкорлик билан етказиш борасидаги шарафли ва машаққатли меҳнатига юксак баҳо берилиб, бугунги шиддатли замонда миллий журналистикаси олдида турган долзарб вазифалар аниқ кўрсатилган, бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун бекиёс аҳамиятга эга бўлган бундай фикр ва гоёлар нафақат журналистика соҳаси, балки бутун жамиятимиз ривожини учун муҳим аҳамиятга эга экани тадбир иштирокчилари томонидан алоҳида қайд этилди.

Маълумки, юртимизда мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида турган ўрни ва ролини, уларнинг фаолияти самарасини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган амалий ишлар олиб боришмоқда.

Айниқса, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг ахборот маконида мутаносиб ривожланиб боришига

■ Агар мустақилликка қадар Ўзбекистонда 395 та оммавий ахборот воситаси мавжуд бўлган бўлса, ўтган даврда уларнинг сони 3,6 карра кўпайиб, ҳозирги вақтда 1 минг 400 тадан зиёдни ташкил этмоқда.

алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг тасдиғини охириги йилларда электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетини ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртма ва давлат грантлари шаклида 14 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилгани ва бошқа мисолларда яққол кўриш мумкин.

Агар мустақилликка қадар Ўзбекистонда 395 та оммавий ахборот воситаси мавжуд бўлган бўлса, ўтган даврда уларнинг сони 3,6 карра кўпайиб, ҳозирги вақтда 1 минг 400 тадан зиёдни ташкил этмоқда. 1991 йилгача юртимизда бор-йўли 1 та телеканал ва 2 та радиоканал фаолият кўрсатар эди, холос. Бугунги кунда биргина Ўзбекистон миллий телерадиоканаллари тизимида 14 та телеканал, 4 та радиоканал ва 12 та ҳудудий телерадиоканал пания иш олиб бормоқда. Хусусий теле ва радиоканалларни қўшиб ҳисоблаганда, уларнинг умумий сони қариб 100 тани ташкил этмоқда.

Аънавий матбуот воситалари бўлган газета-журналлар, телерадиоканаллар билан бирга энг замонавий ва илгор медиа тармоқлари, авваламбор, интернет журналистикаси, нодавлат оммавий ахборот воситалари миллий ахборот майдонимизда тобора мустақил ўрн эгаллаб бормоқда.

Ҳозирги пайтда аҳолининг тезкор ва ҳаққоний ахборот олишга бўлган эҳтиёжини юксак даражада таъминлаш, телекўрсатувларнинг мазмун ва сифатини ошириш масаласида мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг кўламли дастурлар амалга оширилмоқда. Кейинги беш йилда бу борадаги кўрсаткич 52 фоиздан 76 фоизга ўсгани ушбу йўналишдаги ишлар жадал суриятларда олиб борилаётганидан дарак беради.

Юртимизда интернет журналистикасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг натижасида ЎЗ доменда оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият кўрсатаёт-

ган веб-сайтларнинг сони охириги 5 йилда икки баробар ортиб, 360 дан зиёдни ташкил этгани диққатга сазовордир.

Истиклол йилларида матбаа корхоналари сони ўн баробардан зиёд кўпайиб, 1 минг 746 тага етгани, бу эса йилига 7 та тилда 45 миллион нусхадан ортиқ китоб чоп этиш имконини бераётгани Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситаларининг салоҳияти тобора кучайиб бораётганини кўрсатади.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол журналисти» кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорлари тақдирланди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан мамлакатимизда спортни янада омалаштиришда фаоллик қўсатган спорт журналистларига эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан «Дунё бўйлаб» телеканали катта муҳаррири У.Хамроқулов, «Нукус ҳақиқати» газетаси муҳбири Н.Мамбетризаева, «Учитель Ўзбекистана» газетаси муҳбири А.Терехина ва бошқалар миллий матбуот соҳасини изчил ривожлантириш, соҳа ходимларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, янги-янги ижодий марралар сари руҳлантириш ва уларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Тадбир сўнгига атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбеков асари асосида Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган «Кузги мактублар» спектакли намойиш этилди.

Шу куни пойтахтимизнинг Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун байрам сайли бўлиб ўтди.

Ў.А.

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ»
ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

Исломова Лобар — «ANHOR.UZ» веб-сайти бош муҳаррири

Ёшларни ғиёҳандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» никоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш, фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги туркум материаллари учун

Мамбетризаева Несибали — «Нукус ҳақиқати» газетаси муҳбири (Қорақалпоғистон Республикаси)

Қорақалпоқ халқининг бугунги ҳаёти, буюк орзу-интилишлари акс этган, истиқлол берган чексиз имкониятлар тўғрисида турмушимиз фаровон бўлаётгани, экологик масалалар ва табиятнинг муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш мавзўларидаги туркум мақолалари учун

Полванов Давлатжон — «Бағдод ҳаёти» газетаси муҳбири (Фарғона вилояти)

Худудларда, жумладан, туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги таълим-тарбия муассасалари, маданият, санъат ва спорт иншоотларини қуриш ва таъмирлаш, шунингдек, қишлоқда турмуш маданиятининг юксалиши акс этган ва миллий қадриятларимизни улуғловчи публицистик мақолалари учун

Рахимов Муҳиддин — «Тафаккур» журнали бош муҳаррири

ўринбосари Истиклол йилларида халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси, анъана ва қадриятларини тиклаш бўйича олиб бориладиган кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари, бизга ёт бўлган ғарбона турмуш ва тафаккур тарзига қарши ўзимизнинг ўлмас миллий қадрият ва анъаналаримизни кенг тарғиб қилиш, оила қадриятларини улуғлаш, ота-она-фарзанд муносабатларини глобаллашувнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш масалалари ёритилган туркум мақолалари учун

Тошпўлатова Нозима — «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион эшиттиришлар муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси Мамлакатимизни модернизациялаш ва янгилаш жараёнларининг бориши ҳамда юртимизда юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар моҳияти чуқур очиб берилган таҳлилий эшиттиришлари учун

Усмонова Назолат — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика ахбороти таҳририяти бўлим мудири Интернет тармоғида ёритилган юртимиз ҳаётидаги янгиликаниш ва ўзгаришлар, бунёдкорлик борасидаги улкан амалий ишлар, ватандошларимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб бораётгани, шунингдек, маданият, таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат соҳасига оид туркум таҳлилий материаллари учун

Ўтамова Феруза — Навоий вилоят телерадиоканали радиогруҳи

муҳаррири

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган долзарб вазифалар ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдаги фаоллиги учун

Хамроқулов Улугбек — «Dunyo bo'ylab» телеканали катта муҳаррири Ёш авлодди Ватанимизга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадрият ва анъаналарга ҳурмат, ола табиатимизни асраб-авайлаш руҳида тарбиялашга қаратилган туркум кўрсатувлари учун

Ҳожиева Юлдузхон — «Маҳалла» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Фуқаролар йиғинларининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, жойларда ярашув институтларини кенг жорий этиш, ижтимоий ҳимоя, вояга етмаганлар билан ишлаш, маҳаллада ёшларни спортга кенг жалб этиш мавзўларидаги қатор публицистик чиқишлари учун

Эргашев Мазмуржон — «Менинг юртим» телеканалининг

Наманган вилоятидаги махсус муҳбири (ЎЗЭОАВМА) Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини кенг тарғиб қилишда ва «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган долзарб вазифаларни ёритишдаги фаоллиги, жисмонан соғлом, маънаван баркамол авлод тарбияси йўлида олиб борилаётган сазй-ҳарақатлар ва эзгу ишлар акс этган репортажлари учун

Султанмуратов Парахат — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиоканаллари муҳаррири

Терехина Александра — «Учитель Ўзбекистана» газетаси муҳбири

Умиров Сайди — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти

Хабидуллина Луиза — Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси ижтимоий дастурлар лойиҳаси масъул муҳаррири

Ханнаева Улжамол — «Ёшлар» телерадиоканали шарҳловчиси

Ходжамуродова Гулнора — «Ватанпарвар» газетаси катта муҳбири

Шодиев Равшан — «Ўзбекистон овози» газетаси муҳбири



ҚУТЛАЙМИЗ!

Газетамизнинг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий тарбия бўлими муҳбири Равшан Шодиевнинг ҳуқуқий мавзудаги мақолалари жамоатчилик томонидан кўп бор эътироф этилган. Албатта, журналистнинг тинимсиз, машаққатли меҳнати вақт-соати билан ўз баҳосини олади.

Узоқ йиллардан бўён тахририятимизда фаолият кўрсатаётган келаётган ҳамкасбимиз Равшан Шодиев ҳам Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «Йилнинг энг фаол журналисти» танловида совриндор бўлди. Уни ва мукофотланган барча ҳамкасбларимизни чин дилдан табриқлаймиз, ижодий ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз!

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК
САЛОҲИАТИНИНГ ЯНА БИР
ЁРҚИН НАМОЙИШИ

2016 йилнинг 22 июнь куни узунлиги 123,1 километр бўлган Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли ва 19,2 километрлик Қамчиқ туннели мuddатидан олдин — 32 ойда қуриб битказилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами шукҳи билан яшаётган халқимиз, айниқса, «Олтин водий» аҳолиси ушбу улкан бунёдкорлик иншоотининг ишга туширилишини катта мамнулик билан қўшиб олмоқда. **Ў.А. муҳбирлари Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятидан** бир гуруҳ юртдошларимизнинг мазкур тарихий воқеа ҳақидаги таассуротлари билан қизикди.

Ботиржон ТЕМИРОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 1-технологик цехи меҳнатиги:

— Хар тонг осойишта ва файзли маҳалламиз бўйлаб қадрдон заводимга йўл олар эканман, меҳнатимиз қадр топаётган, манфаатларимиз устуворлиги таъминланаётган шундай озода юртда, саодатли замонда яшаётганимдан қалбим чексиз ифтихорга тўлади.

Мустақиллик йилларида биз илгари тасаввур ҳам қилолмаган, бугун ўзимизга гуфур бағишлаб, ўзгаларнинг хавасини тортаётган юксак марраларга эришяпмиз. Шубҳасиз, бунинг замирида Мустақиллик деб аталмиш бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, Президентимиз раҳнамолигида узокни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона сиёсат мўжассам.

Ўзим ишлайдиган завод фаолиятидан қиёс. Мустақиллик йилларида бу ерда кенг қамровли реконструкция ишлари амалга оширилди: эски технологиялар замонавийсига алмаштирилди. Натижада нефть маҳсулотлари сифати тубдан яхшиланди, тури кўпайди, жаҳон бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди. Бугун дунёнинг 20 дан ортиқ давлатига маҳсулотларимиз экспорт қилинмоқда.

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннели ишга туширилиши барча юртдошларимиз катори Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ходимларини ҳам гоёт қувонтирди. Боиси, бу заводимизга ҳам мўмай фойда келтиради. Аввало, хомашёни ташиш харажатлари сезиларли даражада камаяди. Ишлаб чиқариш қуввати кескин ошди. Логистика хизмати сарфи арзонлашди, иқтисодиёт тармоқлариди ҳозирбаҳорлик ортди.

Ташиш даврида маҳсулотнинг экологик жиҳатдан тозаллиги сақланади. Йўқотиш ва сифат ўзгаришларининг олди олинади. Ҳамкасбларимиз билан тушиқдан кейин ўтириб, эринмай ҳисоблаб чиқдик. Қаранг, ҳозирги кунда Қамчиқ доводидан транспорт орқали ташинида 1 тонна маҳсулотнинг таннари 41 долларга тушяпти. Темир йўлнинг ишга туширилиши корхонамизнинг бу борадаги харажатларини салкам икки баробар камайтиради. Умуман, йилга 18,1 миллион тонна юкни ташиш мумкин. Ташин мuddати икки баробар камайиб, 8 соатни ташкил этади. Транспорт харажатлари 4 баробар қисқаради...

Тожибон ИҶЛДОШЕВА, Андижон вилояти Ҳўжаобод тумани «Бирлашган» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, «Дўстлик», «Эл-юрт хурмати» орденлари соҳибаси:

— Биласиз, 2013 йилнинг апрель ойда Президентимиз халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этди, нутқ сўзлади. Сессияда мен ҳам қатнашганман.

Давлатимиз раҳбари вилоятимизнинг барча соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари ва истиқболдаги вазифаларга тўхталиб, бир ангилкича эътиборимизни қаратди: Ангрен-Поп йўналишида электрлаштирилган темир йўл қуришни мўлжалламоқдамиз. Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл орқали боғлаш масаласини эътибордан четда қолдиришга ҳақимиз йўқ. Насиб этса, 2016 йилда ана шу темир йўл қуриб битказилиши билан водийга, жумладан, Андижонга поездда бемалол қатнаш имкониятига эга бўламиз, деди Президентимиз қатъий ишонч билан.

Ушанда Президентимизнинг бу гапи наинки Андижон, бутун водий аҳолининг кўнглини кўтарди. Бугун ана шу гапларнинг амалдаги исботи, тарихий воқеанинг гувоҳи бўлганимдан беҳад бахтиёрман.

Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўлининг Фарғона водийсини вилоятлар иқтисодиёти, инфратузилмасини юксалтиришдаги аҳамияти жуда катта. Бу йўл Ўзбекистон аслида қандай буюк давлат экани, халқи қандай қудратга, салоҳиятга эга эканини яна бир бор жаҳон ҳамжамиятига намойиш этди. Осиё ва Европани боғловчи кўприк, икки минтақа ўртасидаги савдо ва иқтисодий

алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ушбу ноёб объектни аср қурилишларидан бири десак, асло муболага бўлмайд.

Ушбу гоё ижодкори, уни амалга оширишга бош-қош бўлган Президентимизнинг зукколигига, билимдон иқтисодчи, узокни кўра оладиган доно йўлбоши эканига яна бир бор тан бердим.

Шуларни айта туриб, Амир Темур бобимизнинг бир даввати ёдимга тушди: «Агар қуч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг». Нақадар теран, маъноли фикр. Шундай эмасми?! Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари замирида Сохибқироннинг ана шу даввати мўжассам, аждодлар яратувчанлиги авлодлар ишида давом этаётган.

Вонг ЧАО (Хитой), Андижон шаҳридаги «Lemon international» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси бош директори:

— Тадбиркорман, дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман. Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистонда фаолият юритяман. Ростки, юртингизда тадбиркорлар, айниқса, хорижий инвесторлар учун қулай ишбилармонлик муҳити, қатор имтиёзлар яратилгани бизнинг самарали фаолият юритишимизда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзимиздан қиёс. Андижон шаҳрида Хитой инвестицияси асосида ишга туширилган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Lemon international» хорижий корхонасида йилга 500 минг дон шим ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ҳар қандай кишининг хавасини келтиради. Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишини аср қурилишларидан бири, дейиш мумкин. Биринчи бор Тошкентдан Андижонга Қамчиқ доводни орқали автомобилда келганимда менга ушбу тоғ орқали Фарғона водийсига ўтадиган темир йўл қурилмоқда, дейишганида ишонмаган эдим.

Яқинда телевидение орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпин иштирокидаги ушбу йўлнинг очилиши ҳақидаги кўрсатувини кўриб, қойил қолдим. Хитойни Марказий Осиё ва Европа билан боғлайдиган ушбу йўл савдо ва иқтисодий алоқалар янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади. Бундай ноёб ва улкан қурилишни кўриб, Президентингиз раҳнамолигида Ўзбекистон ўз танлаган тараққиёт йўлидан дадил бораётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Умуман, ўзбек халқидек очикқўнғил, меҳмондўст, меҳнаткаш ва бағрикенг инсонларни ҳам учратганман. Айниқса, Ўзбекистон ёшларининг юксак салоҳияти, чет тиллари, хусусан, инглиз тилида раво гаплашиши менда катта таассурот қолдирмоқда. Юртингиздаги тинчлик, осойишталик, тўқинликка ҳар қанча хавас қилса арзийди.

Ғанижон ОРТИҚОВ, «Нуроний» жамғармаси Наманган вилояти бўлими бошлиғи, «Дўстлик», «Эл-юрт хурмати» орденлари соҳибаси:

— Йўл ўтган манзил тараққиёт, юксалиш сари юз боради. Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли бўида ястанган кенг ҳудудларнинг ривожланишида, шу заминда истикомат қилаётган юртдошларимизнинг ҳаёти янада обод бўлишида бу муҳим коммуникация воситаси алоҳида ўрин тутди.

Аҳолининг узоғи якин, оғири енгил бўлади. Темир йўл транспорти тизимида, унинг корхона ва ташкилотларида янги иш ўринлари очилади. Янги темир йўл тўғрисида мазкур ҳудуд аҳолиси фаровонлиги юксалади, бунга ҳар бир оила, ҳар бир инсон ўз ҳаёти мисолида яққол ҳис этади.

Баъзан ўйлаб қоламан. Илгари бинкорликда Наманганнинг бировига кўрсатадиган нимаси бор эди? Бирор меҳмон келса, ўзимизни панана олардик — ўламан саттор, бизга келмасин, деб! Дўппи тор келганда кўзимиз билан ер қизиб қолган пайтларимиз ҳам бўлган. Бугун-чи? Наинки Наманган, Ўзбекистонимизнинг жамоли кундан кун очилиб, тўлишиб бораёпти. Энди етти иқлимдан меҳмон келмайдими, юртимизнинг кўрку тароватига қойил қолмас, ҳалиги чет эллик меҳмонга ўхшаб халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига тан бермаса, мен қафил!

Буларнинг ҳаммаси Президентимиз раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган эзгу ишлар самараси.

Ў.А.

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2016»

■ Кўрик-танлов ёшларнинг мустақиллик ғояларига садоқатини шакллантиришга, йигит-қизларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий билим даражаси, фаоллигини оширишга кўмаклашади.

МУНОСАБАТ

Тириклик
учун нималар
керак?Тинчлик, тотувлик,
ҳамкорлик

■ Кечкурун телевизор кўраётганимизда энг кичик набирам: «Бобо, қаранг Президентимиз!..», деди қувончини яширмай.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг пойтахтимиз Тошкентда ўтаётган олий анжумани қатнашчилари шарафига берилган катта концерт дастурини халқимиз кўз узмай томоша қилди. Хитой, италиян, рус, қозоқ, туркман, тожик, қирғиз ва бошқа тилларда янраган кўшиқлар, ижро этилган жозибали рақслар мустақиллик йилларида юртимиз санъаткорлари юксак маҳоратга эришганлари, миллий қадриятларимиз жаҳонни дол қолдираётганининг ёрқин бир мисоли бўлди. Ростини айтсам, мен ҳам ойнаи жаҳондан кўз узмай, фахр-ифтихор билан санъаткорларимизнинг чиқишларини томоша қилдим.

Эсимда, Юртбошимиз Қашқадарё вилоятида ишлаётганларида мен Деҳқонobod тумани раҳбари эдим. Нукул тоғ-тошдан иборат, фақат чорвачиликка боғланиб қолган туман иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда ночор эди. Бир кун раҳбаримиз меҳмонлар билан келиб қолди. «Мана шу тоғлар инсон қўли билан тиклангандай туюлади, аслида бундай эмас. Вақти келадик, улар бағридаги хазиналар халқимиз фаровонлигига хизмат қилади», деди. Бугун мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган бемисл бунёдкорликларга назар ташлар эканман, ўшанда-бу орзу, замирида ҳақиқат мўжассамлашганига аймон келтирмаман. Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлиги остида аввал юксак тоғлар бағридан аср мўъжизаси — Темир йўл ўтказилди. Кейинроқ Деҳқонobod калийли ўғитлар заводи Хитой ва Россия давлатидаги ҳамкорларимиз билан бирга қуриб битказилди. Ноёб ва қимматбаҳо ўғит юртимиз қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжини тўла қондириб, яна хорижга экспорт қилинмоқда.

Олий анжуман кунлари ҳамкорликнинг яна бир ёрқин мисоли — Қамчиқ давони орқали янги темир йўл қатнови йўлга қўйилди. Бу улкан бунёдкорликнинг бор-йўғи 32 ойда амалга ошгани ҳар қандай инсонни ҳайратлантиради. Бу янги темир йўл қатнови Буюк Ипак йўлининг давримиздаги янги йўналиши, бошқача айтганда, жаҳон тараққиётининг олтин кўприғидир. Бу сингари улкан лойиҳалар бунёдкорликларнинг боиси тинчлик, дўстлик ва тенг ҳамкорликдир.

Президентимиз мазкур анжумандаги нутқида бунини алоҳида таъкидлади. Айниқса, яқин кўшимиз — Афғонистонда тинчликни қарор топтириш, ўзаро қурашаётган томонларнинг бир битимга келиши ҳақидаги тақдирлар нақдлар тўғрисидаги ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари алоҳида қайд этдики, тинчлик ва ўзаро ҳамкорлик иқтисодий, савдо, маданий алоқалар тараққиётига хизмат қилади. Халқларни бир-бирига яқинлаштиради. Дунё таниқли сўёсатчиларининг яна бир эътирофи шу бўлдики, халқаро ташкилотга Ўзбекистон раҳбарлик қилган 350 кун жаҳон тарихига тараққиёт ва ривожланишнинг ўзига хос даври бўлиб битилди.

Мен таниқли давлат ва сиёсат арбобларининг фикрини қизиқиб тингладим. Улар Президентимиз фаолиятига, юртимизда кечатган бунёдкорликларга юксак баҳо беришди.

Мен ёши улғу инсонман. Воҳамизнинг туманларида бўлганимда, гафла ўраётган, хорижга турфа ноз-неъматларни экспорт қилаётган меҳнаткашлар билан кўп учрашаман. Уларнинг орзусини тинглайман. Тириклик учун яна нималар керак? Тинчлик, тотувлик, ҳамкорлик!

Январ ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон факрийларини
ижтимоий қўллаб-қувватлаш
«Нуроний» жамғармаси Қашқадарё
вилоят бўлими раиси,
халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

Эзгу ишларга қодир ёшлар

■ Гулмира Эгамбердиева Фарғона давлат университетининг иккинчи курс талабаси. У ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолларидан бири. Худудий партия ташкилотидида «Ёш сиёсатчи — 2016» танлови ўтказилишида ташкилотчилик қилди. Ўзи ҳам иштирок этди ва ғолиб бўлди. Сўнгра шаҳар босқичида унинг ижтимоий лойиҳаси юқори баҳо олди. Мана, энди у вилоят босқичида 19 нафар тенгдош, маслакдошлари сафида яна беллашади.

— Мен лойиҳамни «Хуқуқ ва Билим» деб номладим. Хуқуқий давлатни бунёд этиш учун жамият аъзолари билимли бўлиши керак. Лойиҳа ғояси соддадек кўринса-да, менимча, у демократик таъомилларни ифодалайди, — дейди Гулмира Эгамбердиева. — Мен ўз лойиҳам асосида бошланғич партия ташкилотидида амалий ишларни бошлаб юборганман.

Гулмира ҳар бир жамоада — у ишлаб чиқариш корхонаси бўладими ё ўқув юрти, албатта ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширувчи тўғра, клуб, ўқув-семинари каби шакллардаги уюшмалар тузишини, унинг дастури ва амалга ошириш услубларини тақлиф этди. Ҳайъат аъзолари ва бошқа иштирокчилар

Гулмиранинг лойиҳаси ҳар бир бандига катта қизиқиш билан қаради.

Риштон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона дарча» маркази мутахассиси Жаҳоҳир Неъматов лойиҳаси ҳам барчанинг эътиборини тортди. У ёшларни халқ анъаналари, маънавияти руҳида тарбиялашнинг ўзига хос йўлини тақлиф этди.

Мустақиллик йилларида Фарғонада тарихий бунёдкорликлар амалга оширилди. Жаҳоҳир бу мўъжизавий жараён гувоҳлари, иштирокчиларининг жонли хотиралари, ҳужжатхонлигини оширувчи тўғра, клуб, ўқув-семинари каби шакллардаги уюшмалар тузишини, унинг дастури ва амалга ошириш услубларини тақлиф этди. Ҳайъат аъзолари ва бошқа иштирокчилар тақлифнинг иқтисодий



томонлари ҳам ишлаб чиқилган. Шунинг учун ҳам муҳокама чоғида ҳайъат аъзолари «Бу ижтимоий лойиҳаи ёки бизнес-

лойиҳаи», дея бироз баҳслашишди.

Биргина Фарғона вилоятида жорий йилда ушбу танловда иштирок этиш

Танловнинг ҳар бир иштирокчиси ўз юртининг ривожланиши жараёнларига дахлдорлик ҳиссини сезмоқда. Уларнинг лойиҳаларда акс этган янги қарашлари, ижодий ёндашуви республикамизнинг белгиланган юксак мақсадлар сари илгариларида муҳим аҳамиятга эга.

истагини билдирган ёшлар сони 1000 нафардан ошди. Шундан 225 нафари бошланғич партия ташкилотларида ғолиб бўлди.

Иштирокчилар «Билимдон сиёсатчи» шартлида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент асарлари, сиёсий партиялар, парламент, сайловлар, ёшлар масалаларига оид қонунлар, Оила, Меҳнат кодекслари, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Устав ва Дастури юзасидан тузилган саволларга атрофлича жавоб беришди.

— Танлов ёшларни ватанпарварлик, истиқлол ғоялари, миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнайди ва вилоятимизнинг барча йигит-қизларини бирлаштиради, — дейди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Дилбар Мамажонова. — Улар мақсад сари интилган, фаол, она юртининг ёруғ келажиги йўлида эзгу ишларга қодир ёшлардир.

Ўтказилган кўрик-танлов ёшларнинг мустақиллик ғояларига садоқатини шакллантиришга, йигит-қизларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий билим даражаси, фаоллигини оширишга кўмаклашади, албатта. Танловнинг ҳар бир иштирокчиси ўз юртининг ривожланиши жараёнларига дахлдорлик ҳиссини сезмоқда. Уларнинг лойиҳаларда акс этган янги қарашлари, ижодий ёндашуви республикамизнинг белгиланган юксак мақсадлар сари илгариларида муҳим аҳамиятга эга.

Беллашув якунида Фарғона санъат коллежи иккинчи босқич талабаси Моҳидил Курбонова ғолиб деб топилди ва республика танловига йўлланма олди.

Мухаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Депутатлик сўрови —

халқ ишончини оқлашнинг самарали механизми

Партия тизимида фуқаролардан бўлаётган мурожаатлар, электроти ўйлантираётган масалаларни ҳал этишнинг қатор усуллари бор. Депутатлик сўрови уларнинг энг самарали воситаларидан бири саналади. Бундай сўров натижасида давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти устидан депутатлик назорати амалга оширилади ва қонунлар ижросига ўзига хос таъсир кўрсатилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар бу борада алоҳида ташаббус кўрсатишмоқда. Мутасадди идора ва ташкилотларга сўров юбориб, унинг ижроси назоратга олинмоқда.

Масалан, жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида 1570 га яқин депутатлик сўрови амалга оширилди. Таҳлилларга кўра, уларнинг аксарияти коммунал хўжалик, чекка ҳудудлардаги аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, бандлик, тиббиёт соҳаси, ички йўллар, умумий ўрта ва ўрта махсус касбхунара таълими муассасаларини таъмирлаш билан боғлиқ масалаларни қамраб олган.

Таъкидлаш керакки, депутатлик сўровларининг кўп қисми, яъни 60 фоизи ёки 909 таси фуқаролар мурожаатлари ҳиссасига тўғри келади. 656 таси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Давлат дастурларининг ижроси устидан олиб борилган назорат-таҳлилга кўра юборилган сўровлардан иборат.

Фаррух АБЖАЛОВ,
ЎзХДП Сурхондарё вилоят
кенгаши бўлим мудири:

— Ҳар бир масала ортида фуқаролар манфаати туради. Шунинг учун уларни катта ёки кичикка ажратиб бўлмайди. Баъзан фуқаролар бирор масалани ҳал қилиш учун турли идора ва ташкилотларга қайта-қайта мурожаат қилиб, узок муддат кутишига тўғри келар экан. Эндиликда депутатларнинг кўмагида одамларнинг оғири енгил бўлмоқда.

Мисол учун, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутати Бўриқул Жафаров турли ташкилотларга 30 га яқин депутатлик сўрови юборган. Сариосиё туман давлат санитария-эпидемиология назорати марказига ҳудуддаги 20-умумий ўрта таълим мактабидида тоза ичимлик суви муаммосини ижобий ҳал этишни сўраб, мурожаат қилган. Депутатнинг саъй-ҳаракатлари туфайли

эндиликда мактаб жамоаси ва ўқувчилар барча санитария талабларига жавоб берадиган ичимлик сувида баҳраманд бўлишмоқда.

Қумқўрғон туманидаги «Боғаро» маҳалласида истикомат қилувчи Икбол Бойназарова чорвачиликни ривожлантириш учун кредит олишда ёрдам сўраб қилган мурожаати асосида вилоят Кенгашига 45-Янги ҳаёт округидан сайланган депутат Чори Жумакулов мутасаддиларга сўров юборган. Натижада фуқарога Микрокредитбанк туман бўлими томонидан сўралган маблағ ажратилди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Асосийси, уларнинг сонида эмас. Сўровларга вақтида жавоб олиниб, электроти манфаатларига дахлдор катта-кичик муаммоларни ҳал этишга эришилганда. Менимча, ҳар қандай сўров муаммо афрофлича ўрганиб чиқилгандан сўнг юборилсагина, кутилган самарани беради. Чунки сўровда масала аниқ ва асосли қўйилган бўлади. Ҳар бир депутат, унга кўмак берадиган партия ташкилоти шунга амал қилса, депутатлик сўровининг таъсир кучи юқори бўлади.

Акмал ТУРСУНБОЕВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
сектор мудири:

— Депутат зиммасида сайловчилар манфаатларини ифода этиш вазифаси туради. У бирор-бир масалада мутасадди ташкилотларга сўров юбориб, ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат ўрнатади, аниқланган масалани халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиясига кўриб чиқиш учун тақлиф қилиш ва бошқа ҳуқуқларга эга.

Тўғри, берилган ҳуқуқ ва ваколатлар кенг, лекин улардан самарали фойдаланиш ўзига хос мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки бу фақат депутат фаоллиги ёки партия ташкилотининг интилишига боғлиқ эмас.

Бугунга келиб, депутатлик сўровларидан фойдаланиш партияимизнинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишдаги муҳим механизмга айланган рост. Лекин сўровларни жўнатишда айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланиб турибди. Шунингдек, депутатларимиз сўровлар юборишда баъзан бир сайловчининг мурожаати билан чекланиб қолмоқда.

Аслида депутатлик сўрови ҳудуддаги кўпчиликни ўйлантираётган масала ёки қонунлар, қарор ва фармонлар ҳамда давлат дастурларининг ижроси юзасидан умумлаштирилган хулосаларга асосланиши мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шунда масала ичига чуқур кириб бориш, бир сўров орқали кўпчиликни ўйлантираётган муаммони бартараф қилиш имкони ортади.

Бу масала ўрганилиб, таҳлил қилинганди, депутатлик сўровида барча жойда ҳам самарали фойдаланилмаётгани маълум бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларидаги партияимиздан сайланган депутатлар ўзларининг қонуний ҳуқуқ ҳамда ваколатларидан умумли фойдаланишмаяпти. Жойлардаги мутасадди идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари депутат сўровига бефарқ қараши оқибатида баъзи камчиликларнинг бартараф этилиши чўзилиб кетмоқда.

Ҳар қандай сўров муаммо афрофлича ўрганиб чиқилгандан сўнг юборилсагина, кутилган самарани беради. Чунки сўровда масала аниқ ва асосли қўйилган бўлади. Ҳар бир депутат, унга кўмак берадиган партия ташкилоти шунга амал қилса, депутатлик сўровининг таъсир кучи юқори бўлади.

Демак, депутатлик сўрови қатъий назоратга олиниши талаб этилади. Депутатлик сўровининг имкониятлари кенг ҳамда бу борада депутатга катта ҳуқуқ, ваколат берилганини доим ёдда сақлаш зарур. Муайян ташкилотга сўров билан мурожаат қилар экан депутат, аввало, сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари, тақлифларини ҳисобга олиб, вазиятни чуқур таҳлил қилиши керак. Кўпнинг манфаатини қўлаб амалга оширилган ишнинг самараси ҳам катта бўлади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
ГАЗЕТАСИ ФОТО
КЎРGAЗМАСИ

■ Мустақиллик йилларида Сурхондарё вилояти маркази —
Термиз шаҳри чин маънода гуллаб-яшнади.
Вилоятнинг иқтисодийёти ҳам гуркираб ривожланди...

Ўзбекистон мустақиллик ва мустабидлик йилларида

Мустақиллик Сурхондарё вилоятини, унинг маркази бўлган, Президентимиз фармони асосан «Амир Темур» ордени билан мукофотланган Термиз шаҳрининг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Бугун бу юртга келганлар унинг чиройидан, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан ҳайратланишлари, лол қолишлари табиий албатта.

Истиклол Сурхондарё вилоятини яшартириб, яшатиб юборганлигига келинг, биргаликда гувоҳ бўлайлик.

Термиз давлат университетининг янги, замонавий биноси, «Дельфин» сузиш ҳавзаси, 10 минг томошабинга мўлжалланган «Сурхон» спорт мажмуаси, кўркам «Ёшлар маркази» билан «Бахт

уйи», «Амфитеатр» билан калмакдек сержило мусиқали фаввора... Ҳамма-ҳаммасини санаб саногига етолмайсиз. Термиз шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан ташкил қилинган Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Археология музейи алоҳида мавзу.

Марказий кўчаларни туташтирувчи кенг ва раvon автомобиль йўлларининг таърифига сўз ожиз. Йўлларнинг икки томонида замонавий меъморчилик ва шаҳарсозлик талаблари даражасида кўп қаватли турар-жой, жамоат ва сервис хизматлари кўрсатадиган бинолар барпо қилинган.

Тубдан қайта таъмирланиб, ободонлаштирилган Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳидан сайёҳлар қадами

узилмайди. Бобур номидаги боғ ҳақиқий маданият ва истироҳат масканига айланган. 2009-2015 йилларда вилоятда намунавий лойиҳалар асосида 4 минг 700 дан ортиқ уй-жой тикланган бўлса, жорий йилда яна 1 минг 48 уй-жой қурилмоқда.

Аср қурилиши номини олган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли эса ҳақиқий маънода истиклолнинг бебаҳо тўқасидир. Мазкур иншоот фойдаланишга топширилиши билан ўндан ортиқ йирик конлар бағридаги бойликларни қазиб олиш ва ташиш имкони пайдо бўлди, минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Мустақиллик йилларида Швейцария, Малайзия, Хитой, Россия, АҚШ ва бошқа хорижий

мамлакатлар билан кўплаб қўшма корхоналар ташкил қилинди.

Айни кунларда вилоятда 2 мингга яқин йирик саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллий ва хорижий компаниялар иштирокида ташкил этилган «Сурхонпахтасаноат», «Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш», «Шўрчи дон маҳсулотлари», «Шиндонг-Спиннинг-Термиз», «Сурхон-Термиз-Сил» ва бошқа ўнлаб корхоналарда тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар хорижда ҳам ўз мижозларини топтомоқда.

Хуллас, вилоятда юз берган ва юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар беҳисоб. Қуйидаги суратларда эса энг диққатга сазовор бунёдкорликлар акс этган. Кўринг ва ўзингиз баҳо беринг.



Ал-Ҳаким Ат-Термизий зиёратгоҳи: бугун ва яқин ўтмишда.



Термиз давлат университети: бугун ва кеча.




Термиз шаҳридаги Алишер Навоий кўчасининг ҳозирги кўрки ва ўтмишдаги қиёфаси.



Бугунги Сурхон спорт мажмуаси ва унинг илгариги ўрни.



Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли ва у ўтган ҳудудлар.



■ 26 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ
КУРАШ КУНИ

Аср вабосидан эҳтиёт бўлинг!

Гиёхвандлик — XXI асрнинг глобал муаммоларидан бирига айланиб улгурди. Ўрта асрларда инсоният ҳаётига жиддий хавф солган вабо ва ўлат каби офатлар бугунги цивилизация замонида келиб ўз ўрнини гиёхвандлик иллатига бўшатиб берди, десак асло муболага бўлмайди.



Соғлом киши билиб-билмай бу кўчага кириб қолса, ўзининг тинч, фаровон ва бахтли ҳаётини қора зулматга айлантириши айни ҳақиқат. Гиёхванд одам нафақат ўзига, балки яқинларига ҳам кўплаб азоб беради. Ундан туғилажак фарзандлар эса ота-онасининг хатоси оқибатида бир умрга мажруҳлик қисматида мубтало бўладилар. Зеро, фақат соғлом ота-онадангина соғлом зурриёд дунёга келади.

Инсон ҳаётига хавф солувчи, турли жиноятларга йўл очувчи гиёхвандликка қарши курашнинг тобора долзарб аҳамият

касб этмоқда. БМТнинг Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси бунда муҳим ўрин тутди.

Мазкур конвенцияга аъзо давлатлар қабул қилган резолюцияга кўра, 1987 йилдан бошлаб ҳар йили 26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш кунини сифатида нишонланади.

Юртимизда ушбу сана муносабати билан июнь ойида гиёхвандликка қарши кураш ойлиги ўтказиб келинмоқда.

Мамлакатимизда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашнинг бўйича самарали тизим шаклланиб кетди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида бу офатга қарши изчил кураш олиб боришмоқда.

Пойтахтимизда 26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш кунинида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан наркобизнесга қарши кураш давомида мусодара қилинган 1,438 тонна наркотик моддалар йўқ қилинди. Мамлакатимиз шу тариқа ушбу глобал муаммага нисбатан ўзининг қатъий муносабатини яна бир бор намойён этди.

Ўзбекистонда илк мартаба гиёхванд моддалар ёқиб юборилган 1994 йилдан бугунги кунгача 55 тонна 438 килограмм гиёхванд модда шу йўл билан йўқ қилинган.

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ РЕКЛАМА ЎРНИДА

Экспорт салоҳияти ортмоқда

Навоий вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш, борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Айни кунда вилоятдаги саноат соҳасида фаолият юритаётган 561 корхона бўлиб, уларнинг 33 таси экспортга маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини кўлаб-қувватлаш жамғармасининг Навоий вилояти филиали кўмаги билан 8 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 14579,80 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот ва хизматлари экспорт қилинди.

Шулардан «Karmana Gips Mahsulotlari» ҚК МЧЖга хорижий ҳамкор топишда ва чет элдаги кўргазмаларда қатнашиш учун кўмак кўрсатилиб, натижада 93,0 минг АҚШ долларлик қурилиш моллари экспорт қилинди.

«Бахт Текстиль» қўшма корхонаси 2007 йилда ўз фаолиятини бошлаган эди. Асосан ип-калава ишлаб чиқаришга мўлжалланган мазкур корхонада бугунги кунда жаҳон талабларига мос келадиган маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Ушбу корхонага ҳам жамғарма томонидан мижоз топишда кўмак берилди ва 3309,70 минг АҚШ долларлик калава экспорт қилинди.

«Бизнес Азия» ИЧТФ ҳам жамғарма кўмагида 1259,90 минг АҚШ долларлик калава экспорт қилишга эришди. «Zafar Temur Export Import» ХКга экспорт шартномаси тузишда ва рўйхатга қўйишда ёрдам берилди ҳамда 3205,0 минг АҚШ долларига тенг кишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт қилинди. «Навоий Самарқанд



Савдо» МЧЖ эса жамғарманинг ташкилий кўмаги туфайли 437,0 минг АҚШ долларига тенг кишлоқ хўжалик маҳсулотларини хорижга жўнатди.

Жамғарма томонидан тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотлари экспортини амалга ошириш учун мавжуд имкониятларни аниқлаш, халқаро тендер савдолари, кўргазма ва ярмаркаларда тадбиркорлик субъектларининг иштирокини ташкиллаштириш борасидаги ишлар давом этмоқда.

Жорий йил май ойида ташқи бозорларни ўрганиш маркетинг натижаларига кўра, Россия, Қозоғистон ҳамда Корея Республикасида гилам ва нитронга эҳтиёж борлиги маълум бўлди. Айни пайтда ушбу маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даврида Навоий вилояти Ташқи иқтисодий алоқалар инвестициялар ва савдо бoshқармаси ходимлари билан корхоналарни экспортга жалб қилиш чоралари бўйича икки мартаба мулоқот ўтказилди. Унда тадбиркорларга маҳсулотларни экспорт қилишда яратилган қулайликлар, мавжуд имкониятлар ҳақида тушунчалар берилди.

Илхом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Saidkamol

Saidahmad RAHIMOV

Hotamjon KETMONOV

XODJAYEV

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

Muslihidin

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Rustam KAMILOV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

Ochilboy RAMATOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659

14219

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 23:35

Topshirilgan vaqti — 00:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

4 7 7 0 1 0 7 6 3 0 0 8

1 2 3 4 5